

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 9 апрель, № 69 (9240) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 8 апрель куни Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти пойтахтга яқин жойлашгани учун ҳудуд аҳолиси иш ўринлари, даромад ва турмуш шароити ҳам Тошкент шаҳри даражасида бўлишини кутишини таъкидлади. Шу боис вилоят тадбиркорлик ва бизнес муҳитини яхшилаш, саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида намуна бўлиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Сўнгги йилларда ҳудудда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2024-2025 йилларда вилоят учун 23 та қарор қабул қилиниб, улар доирасида бюджет, банк кредитлари ва хорижий инвестициялар ҳисобидан йирик ресурслар йўналтирилди. Шу даврда 14 та янги саноат зонаси ташкил этилди, 115 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди, 237 та янги экспортчи пайдо бўлди ва 300 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Ўтган бир йил ичида Паркент, Оҳангарон ва Олмалиқда электротехника, металлургия, фармацевтика, тўқимачилик, машинасозлик ва тоғ-кон соҳаларидаги йирик лойиҳалар ишга туширилди. Пойтахт экологиясига салбий таъсир кўрсатаётган 87 та корхона ва янги саноат лойиҳаларини Тошкент вилоятига кўчириш ишлари бошланди, ҳозиргача 15 дан ортиқ тўқимачилик корхоналари кўчиб келди ва 4700 нафар фуқаро ўз яшаш жойида ишли бўлди.

Умуман, 2025 йилда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 7,1 фоизга, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги 4,2 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаси 15,2 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 9,8 фоизга ўсди.

2026 йилда вилоят иқтисодиётини 9,1 фоизга, саноатни 8,8 фоизга, хизматларни 17,2 фоизга, қурилиш ишларини 15 фоизга ва қишлоқ хўжалигини 6,6 фоизга ошириш режалаштирилган. Бунинг учун 6,2 миллиард доллар инвестиция жалб этиш ва 2,8 миллиард доллар экспортни таъминлаш мўлжалланган.

Бундан буён туманлар салоҳиятини сунъий интеллект ёрдамида таҳлилдан ўтказиб, саноат, инвестиция ва экспорт бўйича янги имкониятларни аниқлаш зарурлиги қайд этилди. Бу ишлар самарасини янада ошириш учун вилоятда Рақамли тараққиёт — сунъий интеллект марказини очиш таклифи қўллаб-қувватланди.

Вилоятда саноатни бошқариш бўйича янги тизим жорий этилаётгани, ҳокимнинг саноат масалалари бўйича ўринбосарига инвестиция ва экспортни кўпайтириш, тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар улушини ошириш бўйича аниқ самарадорлик кўрсаткичлари белгиланиши маълум қилинди.

Жорий йилда 883 та маҳаллани камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш, 84,7 минг аҳолини доимий ишга жойлаштириш, 37 минг норасмий иш ўрнини легаллаштириш ва 13,3 минг ишсиз фуқарони касбга ўқитиш вазифаси қўйилди.

Саноатдаги қўшимча ўсиш манбалари сифатида қатор янги лойиҳалар кўрсатиб ўтилди. Жумладан, Ангрен шаҳрида керамик ва керамогранит плитка ишлаб чиқариш, Янгийўл туманида "Тинчлик" кичик саноат зонаси, Паркент туманида "Parkent Pharm" эркин иқтисодий зонаси, Ўрта Чирчиқ туманида мебелчиликка ихтисослаштирилган кластер, қўзиқорин етиштириш ва ширин маккажўхори ишлаб чиқариш, Янгийўлда туркиялик сармоядор иштирокида балиқчилик мажмуаси, Нурафшон шаҳрида тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилаётгани қайд этилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Қайд этилганидек, чорва ва парранда гўшти етиштириш ҳажми ҳануз пойтахт ва вилоят эҳтиёжлари учун етарли эмас. Шу боис Оҳангарон туманида чорвачиликни ривожлантириш ва озуқа базасини кенгайтириш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Бу ерда Қўйчилик ва эчкичилик илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиб, 50 минг бош наслли қўй ва эчки олиб келиш режалаштирилган. Оҳангарон ўрмон хўжалиги балансидаги ўрмон билан қопланмаган 60 минг гектар яйловни аукцион орқали ажратиш механизми жорий этилади.

Умуман, 2026 йилда 2,1 триллион сўмлик 78 та чорвачилик лойиҳаси амалга оширилиб, 496 та иш ўрни яратилади. Шунингдек, 35 минг гектарда сув тежовчи технологияларни жорий этиш, янги ерларни ўзлаштириш, боғ ва узумзорлар барпо қилиш режалаштирилган.

Паррандачиликни ривожлантириш бўйича Оққўрғон ва Оҳангарон туманларида йилига 30 минг тонна парранда гўшти етиштириш қувватига эга, қиймати 45 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилади. Қайд этилганидек, пиёз ва саримсоқпиёздан гектарига олинаётган даромад ғалладан бир неча ўн баробар юқори. Шунинг учун Оҳангаронда ғалла майдонларини юқори даромадли экинларга босқичма-босқич ўтказиш таклифи маъқулланди.

Қисқа вақт ичида Бўстонлиқдаги "Амирсой" қишки курорт мажмуаси ва "Белдерсой ресорт" маскани халқаро даражадаги туризм марказларига айлангани қайд этилди. Эндиликда шундай лойиҳаларни Паркент, Ғазалкент, Оҳангарон ва Ангреннинг тоғли ҳудудларида ҳам амалга ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Масалан, Паркентда "Олтин бел" чўққиси ва унга туташ ҳудудда меҳмонхона, "шале" услубидаги уйлар, дам олиш ва кўнгилочар мажмуаларни ўз ичига олган тоғ-чанғи курорт зонаси, Оҳангарон туманида эса "Мовий тоғлар" дам олиш оромгоҳи негизида замонавий туризм мажмуаси ташкил этилади.

Шунингдек, Ангрен шаҳрининг Лашкарак ва Янгиобод ҳудудларида "туризм қишлоқлари", Бекобод туманида экологик ва ов туризми, Паркент туманида "Кумушкон" туризм мажмуаси ҳамда Паркентсойда оилавий дам олиш масканлари ва меҳмон уйларини ташкил этиш режалаштирилган. Жойлаштириш воситалари қувватини 35,5 минг ўринга етказиш кўзда тутилган.

Мазкур ишлар ҳисобидан вилоятда туризм экспортини 600 миллион долларга, хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сонини 16,5 миллионга етказиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда вилоятнинг "оғир" тоифадаги ва "Янги Ўзбекистон қиёфасидаги" туман, шаҳар ва маҳаллаларидаги 231 та лойиҳага 956 миллиард сўм ажратилгани қайд этилди. Маҳаллаларда уй-жой, электр, сув, канализация ва йўлларни яхшилаш ишларини жадаллаштириш вазифаси қўйилди.

Хусусан, ичимлик суви бормаган 39 та маҳалла марказлашган ичимлик суви билан тўлиқ таъминланади, яна 81 та маҳалладаги 166,7 километр яроқсиз сув тармоғи реконструкция қилинади. Шунингдек, 145 та маҳалладаги 121 та эскирган трансформатор янгиланиб, 443,6 километр электр тармоқлари алмаштирилади.

Йиғилишда йирик ижтимоий ва инновацион лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, Юқори Чирчиқ туманида 400 гектар майдонда қиймати 5 миллиард доллар бўлган "Tashkent Medical Smart City" халқаро инновацион тиббиёт шаҳарчасини барпо этиш режаси муҳокама қилинди. Шу билан бирга, Нурафшон шаҳрида 35,4 миллион долларлик Келажак технологиялари марказини ташкил этиш, 100 дан ортиқ хорижий IT компанияларни жалб қилиш ва хизматлар экспортини йилига 20 миллион долларга етказиш, 670 ўринли кўп тармоқли тиббиёт кластери, ижтимоий муассасалар маркази, вилоят давлат архиви биноси каби лойиҳалар муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, "яшил иқтисодиёт" ва ёшларга оид сиёсат борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда келгуси режалар кўриб чиқилди.

Йиғилиш якунида Президентимиз мутасаддиларга вилоят ислоҳотлар штаби билан биргаликда мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиб, иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва яшаш шароитини яхшилашга қаратилган ҳар бир дастур ва лойиҳанинг аниқ натижа беришини таъминлаш юзасидан топшириқлар берди. Тошкент вилоятини камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириб, бошқа ҳудудлар учун намуна сифатида масъуллар фаолиятининг энг устувор вазифаси бўлиши белгиланди.

**ЎзА.**

## ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Давлатимиз раҳбари бугунги таҳликали замонда мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини ишончли таъминлаш энг устувор вазифалардан бири эканини таъкидлади. Шу мақсадда Ички ишлар вазирлигида Жамоат хавфсизлиги департаменти ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва пробация хизматлари бирлаштирилган. Ҳозирда мазкур департамент ИИВ шахсий таркибининг қарийб 30 фоизини ташкил этади.

Таъкидланганидек, бундай катта ва мураккаб тизимни самарали бошқариш ҳамда қатъий назорат қилиш янгича ёндашувни талаб қилади. Шу муносабат билан тақдимотда соҳада замонавий бошқарув ва рақамли назорат механизмларини жорий этиш, самарадорлик кўрсаткичларини "Жазоловчи тизимдан — аҳолига хизмат кўрсатувчи тизимга" тамойили асосида қайта ишлаб чиқиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Маҳаллаларда профилактика ишларини ташкил этиш ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда республикамиздаги қарийб 9 минг маҳаллада 10 мингдан зиёд профилактика инспекторлари хизмат қилиб келмоқда. Ўтган йили улар аҳолидан келиб тушган 2,5 миллиондан зиёд аризаларни кўриб чиққан, 470 мингдан ортиқ ҳолатлар бўйича материаллар судга юборилган. Шу билан бирга, профилактика инспекторлари фаолияти устидан ортиқча бошқарув бўғинлари кўпайиб кетгани оқибатида маҳалла хавфсизлиги ва жиноят профилактикасига етарли эътибор қаратилмаётгани қайд этилди.

Шу муносабат билан профилактика инспекторларини ортиқча вазифалардан халос этиб, уларни бевосита ўзига юклатилган ишга — маҳаллада хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва аҳоли муаммолари билан манзилли ишлашга тўлиқ йўналтирилган тизим яратиш зарурлиги таъкидланди.

Жумладан, кунлик онлайн йўриқнома ўтказиш, "Менинг инспекторим" электрон тизими орқали хизматни ташкил этиш, суд-тиббий экспертиза муассасалари билан электрон маълумот алмашишни жорий қилиш, профилактика инспекторларини ишдан ажратмаган ҳолда онлайн ўқитиш ва малакасини ошириш, маҳаллада хавфсизликни таъминлашга кўмаклашувчи "жамоат ёрдамчиси" гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиш таклиф этилди.

Инспекторларга айрим ҳуқуқбузарликлар бўйича қарор қабул қилиш ваколатини бериш, 6 та кам аҳамиятли қилмиш бўйича маъмурий огоҳлантириш тизимини жорий этиш таклиф қилинди.

Бу орқали инспекторнинг маҳалладан чиқмаган ҳолда иш олиб бориши, самарадорлиги ортиши ва кўпроқ аҳоли билан яқиндан ишлаш имконияти яратилиши таъкидланди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича узлуксиз ишлаш тизимини йўлга қўйиш, бунинг учун профилактика инспекторлари, мактаблардаги инспектор-психологлар ва маҳаллалардаги хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларни маҳалла даражасида ўзаро боғлайдиган, ёшлар, аёллар ва оилавий муаммоларнинг барвақт олдини олишга хизмат қиладиган яхлит тизим яратиш зарурлиги таъкидланди. Улар реал вақт режимида ахборот алмашишлари ҳамда ягона маълумотлар базасидан фойдаланишлари учун профилактика ахборот тизими жорий қилинади.

Кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жамоат хавфсизлиги ходимларини тайёрлаш тизими амалиёт билан узвий боғланган манзилли дуал таълим асосида қайта кўриб чиқилаётгани қайд этилди. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги Академияси ва Жамоат хавфсизлиги университети ўртасида профилактика инспекторлари, пробация инспекторлари, патруль-пост, йўл-патруль ва қўриқлаш хизмати мутахассисларини мақсадли тайёрлаш бўйича янги тизим таклиф этилди. Бунда назария ва амалиёт уйғунлаштирилиб, ўқишнинг биринчи курсида 80/20, иккинчи курсда 60/40 ва учинчи курсда эса 50/50 нисбатда ташкил этилади.

Таълим жараёнида ижтимоий профилактикани амалга ошириш, процессуал ҳаракатлар, ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш, жанговар тайёргарлик, психологик бардошлилик, муомала маданияти, саф бўлинмаларини бошқариш каби амалий компетенциялар шакллантирилади.

Тингловчи ва талабалар стажёр лавозимига тайинланади, мустақил иш юритиш ҳамда қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлиб, мураббий назорати ва жавобгарлиги остида иш юритади. Битирувдан кейинги 5 йил давомида мониторинг қилиниб, малакаси доимий ошириб борилади.

Президентимиз таклифларни маъқуллаб, жамоат хавфсизлигини ишончли таъминлаш, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар мурожаатларига тезкор жавоб бериш ва ходимлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича аниқ ечимлар ишлаб чиқиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

*2026 йил 8 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.*



Акмал МУҲАММАДОВ олган сурат.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ялпи мажлиснинг иккинчи иш куни "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокамасидан бошланди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда рақамли тўлов хизматлари бозорини ривожлантиришга, молиявий хавф-хатарларни камайтиришга ҳамда тўлов хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ялпи мажлисда тижорат банклари, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида банк карталаридан фойдаланган ҳолда ўғирлик ҳамда фирибгарлик ҳоллари содир этилишининг олдини олишга қаратилган замонавий тизимлар ва бошқа ҳимоя механизмларини ташкил этиш зарурати юзага келаётгани таъкидлаб ўтилди.

➔ 2

**Акс садо**

## МАМЛАКАТ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРУВЧИ СТРАТЕГИК СОҲА

*Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, аҳолини оммавий спортга кенг жалб этиш ҳамда селекция ва тайёргарлик тизимини такомиллаштиришга қаратилган қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди.*



Айни чоғда соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қатор ташаббуслар ҳам илгари сурилди. Албатта, булар мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида мутлақо янги босқич бошланаётганидан далолат беради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси аъзоларининг фикр-мулоҳазалари шу ҳақда.

➔ 3

**Форум**

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШДА САМАРАЛИ МАЙДОН

*Кеча Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги стратегик шерикликнинг парламент йўналишини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган "Ўзбекистон — Франция" биринчи парламентлараро форуми бўлиб ўтди.*

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳамда Франция Республикаси Сенатининг Ташқи ишлар, мудофаа ва Европа ишлари комиссияси аъзоси Валери Бойе бошчилигидаги делегация, шунингдек, икки мамлакатнинг тегишли қўмита ва идоралари вакиллари қатнашди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев форумнинг ўтказилиши парламентлараро ҳамкорликни ривожлантиришда янги саҳифа очиши ва мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади. Унинг айтишича, олий даражада эришилган келишувлар парламентлар фаол ҳамкорлигини талаб этади.

➔ 3

## МИЛЛАТ ИФТИХОРИ ВА МАЪНАВИЙ ҚУДРАТ МАНБАИ

*Амир Темур — бетакрор шахсияти, ибратли ҳаёт йўли, бебаҳо моддий ва маънавий мероси билан халқимиз фахр-ифтихорини юксалтирувчи, юракларга маънавий қувват бағишловчи беқиёс тарихий сиймо. Шу боис юртимизда улуғ аждодимиз таваллудини кенг нишонлаш эзгу ва бардавом анъанага айланган.*

### Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 5 февралда қабул қилинган "Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, бу йилги тантаналар алоҳида шукуҳ ва кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Бу эса тарихий хотирага эҳтиром, буюк меросга садоқатнинг ёрқин ифодасидир.

Мустақиллик шарофати билан Соҳибқироннинг улуғ номи ва муборак хотираси тўла тикланди, тарихий адолат қарор топди. Миллий давлатчилигимиз рамзи бўлган темурийлар салтанатининг шонли тарихи бугун ҳам халқимиз руҳиятини юксалтириб, Учинчи Ренессанс сари дадил қадам ташлаётган ёш авлод қалбида фахр-ифтихор туйғуларини мустаҳкамламоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда Амир Темур ва темурийлар мероси кенг қамровда ўрганилмоқда. Уларнинг миллий давлатчилик, илм-фан, маданият ва бунёдкорлик соҳаларидаги улкан ҳиссаси нафақат юртимизда, балки халқаро миқёсда ҳам чуқур тадқиқ этилмоқда. Бу борада қатор илмий изланишлар, бадиий ва публицистик асарлар дунё юзини кўрмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Темурбеклар мактаби"нинг фаолияти ёшларни мардлик, жасорат, ватанпарварлик, адолатпарварлик каби юксак фазилатлар руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда. Шунингдек, ҳарбий қисмлар ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида "Темур тузуклари"нинг ўқитилиши Соҳибқиронга муносиб ворисларни вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Махсус саҳифада Амир Темурнинг бой ва кўп қиррали шахсияти, унинг башарият тарихи, Турон тамаддунидаги ўрни, шунингдек, юртимиз ва хорижда буюк аждодимиз ҳамда темурийлар меросини чуқур ўрганиш, кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги материаллар эътиборингизга ҳавола этилади.

4-саҳифага қаранг. ➔



www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2026 йил 9 апрель

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

1

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунларига операторлар ҳамда тўлов ташкилотлари фаолиятини тартибга солишга, антифрод тизимини ва биометрик идентификация тизимларини жорий этишга, шунингдек, лицензиялаш жараёнларини соддалаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун тўлов хизматлари бозорида хавфсизликни таъминлашга, молиявий фирибгарликларнинг олдини олишга, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштиришга, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини самарали ҳимоялашга хизмат қилади.

Сенаторларнинг фикрича, қонун рақобат муҳитини таъминлаш, лицензиялаш жараёнларини камайтириш ва банкларнинг тўлов хизматлари бозоридаги фаолиятини рағбатлантиришга кенг имкониятлар яратади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин "Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида меҳнат муносабатлари демократик, инсонпарварлик ва адолат тамойиллари асосида ҳуқуқий тартибга солинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Муҳокама қилинган қонун миллий қонунчиликни Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларига мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Сенат томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида Қонунчилик палатасига киритилган.

Қонун Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик процессуал, Меҳнат кодексларига ҳамда "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги ва "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни назарда тутади.

Жумладан, Меҳнат кодексида иш ташлаш бу ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш берувчи билан жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш усули сифатида меҳнат мажбуриятларини вақтинча, ихтиёрий ва биргаликда тўлиқ ёки қисман бажаришдан тийилиш эканлиги мустаҳкамланмоқда. Шунингдек, иш ташлаш ҳуқуқи кафолатланмоқда, иш берувчи ва меҳнат органларини хабардор қилиш тартиб-таомиллари ва бошқа ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар белгиланмоқда.

Сенаторлар ушбу қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштиришга, иш ташлаш жараёнини қонуний асосда тартибга солган ҳолда жамоат хавфсизлиги ва ижтимоий тартибни таъминлашга, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларига риоя қилувчи давлат сифатидаги имижини мустаҳкамлашга, халқаро ташкилотлар доирасидаги нуфузини оширишга хизмат қилишини, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун кенг йўл очиб беришини таъкидлади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг ялпи мажлисида суғурта хизматлари бозорини ва электрон тижорат соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш, рақамли хизматлар орқали тўловларни амалга оширишни кенгайтириш ва тўлов ҳужжатларига сифатли ҳамда хавфсиз ишлов бериш билан боғлиқ молиявий технологияларни жорий этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, суғурта соҳасига оид қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши мазкур соҳадаги қоидаларнинг бир хил қўлланилишини таъминлаш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларидаги меъёрларни мувофиқлаштириш зарурлигини келтириб чиқармоқда.

Бундан ташқари, электрон тижорат соҳаси субъектларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада тартибга солишни кучайтириш, фуқаролар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида самарали давлат назоратини таъминлаш зарурати ортиб бормоқда.

Сенаторлар қайд этганидек, ушбу қонун билан амалдаги қонунчиликка суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ваколатли давлат органининг назорат вазифаларини кенгайтиришни, суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари фаолиятини тартибга солишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, қонун билан электрон тижорат операторлари фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида ваколатли давлат органини хабардор қилиш тартиби жорий этилиб, мазкур фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилмаслик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Сенаторлар ўз чиқишларида таъкидлаганидек, қонун билан суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш орқали суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ва суғурта хизматлари истеъмолчилари учун қулай шарт-шароитлар яратилади, шунингдек, электрон тижорат соҳаси такомиллаштирилади, операторлар фаолияти устидан самарали назоратни йўлга қўйиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш таъминланади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шунингдек, 14-ялпи мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Ҳукумати ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги Битимни (Самарқанд, 2025 йил 26 август) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди.

Мазкур Битим қоидаларига мувофиқ томонлар жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида ушлаб бериш масалаларида ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ҳужжатда ушлаб бериш учун асос бўладиган жиноятлар доираси, рад этиш асослари, марказий ваколатли органлар, дастлабки қамоққа олиш ҳамда ушлаб берилган шахсларга нисбатан махсус қоидалар аниқ белгилаб қўйилган.

Сенаторларнинг таъкидлашича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг трансмиллий жиноятчилик, терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлигини мустаҳкамлайди.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг ялпи мажлисида, шунингдек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2025 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Омбудсман институти 2025 йилда янги конституциявий қоидалар асосида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан таъсирчан парламент назоратини олиб бориш, соҳага оид миллий қонунчилик ҳамда миллий превентив механизмни такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда бир қатор ишларни амалга оширган.

2025 йилда Омбудсман номига 26 372 та мурожаат келиб тушган бўлиб, бу 2024 йилдагига нисбатан 12,6 фоиз кўпдир. Ҳудудлар кесимида энг кўп мурожаатлар Қашқадарё (4 159 та), Сурхондарё (2 769 та) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (3 599 та) ҳиссасига тўғри келган. Энг кам мурожаатлар Қорақалпоғистон Республикаси (681 та) ва Сирдарё вилоятидан (696 та) тушган.

Сенатнинг 2025 йил 18 мартдаги тегишли қарори ижроси юзасидан энг кўп мурожаат юборилган ҳудудлар — Қашқадарё вилоятининг Косон ҳамда Сурхондарё вилоятининг Денов туманларига ташриф буюрилиб, 20 дан ортиқ маҳаллада фуқаролар билан очиқ мулоқотлар ўтказилди. Уларда мурожаатларда кўтарилган масалалар масъул идоралар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида муҳокама қилинди. Натижада мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасига киритилган.

Шунингдек, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатларига оид Омбудсманга юборилаётган мурожаатлар сонининг ортгани сабабли аёллар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги қонун ҳужжатларининг амалдаги ижроси самарадорлигини ўрганиш ҳамда парламент назоратини кучайтириш мақсадида Омбудсман ташаббуси билан 2025 йилда "Тенглик ва ҳурмат" платформаси ишга туширилди. Зўравонликка учраган 150 нафардан ортиқ аёллар билан реабилитация марказларида жамоавий ва якка тартибда суҳбатлар ўтказилиб, уларга ёрдам кўрсатилди. Ўрганиш якунларига кўра Омбудсман таклифлари ишлаб чиқилиб, Олий Мажлиснинг палаталарига киритилган.

Сенатнинг 2025 йил 18 мартдаги тегишли қарори ижроси юзасидан Омбудсман мурожаатларни тизимли таҳлил қилиш орқали қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммоларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, 2025 йилда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашни янада мустаҳкамлашга қаратилган 3 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган 1 та қонунчилик таклифи Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилиб, қабул қилинди. Шунингдек, Омбудсман тавсияси асосида давлат органлари томонидан 11 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилди.

Мурожаатларни ўрганиш ва мониторинг ташрифлари натижасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан 194 та таъсир чораси киритилиб, уларнинг 82 фоизи ижобий ҳал этилди.

2025 йилда мурожаатлар асосида фуқаролар фойдасига жами 11 миллиард 82 миллион сўм маблағ ундирилди. Жумладан, 3 миллиард 936 миллион сўм уй-жой компенсациялари, 2 миллиард 715 миллион сўм иш ҳақи ва меҳнат муносабатларига оид тўловлар (шундан 409,3 миллион сўм маҳкумларнинг иш ҳақи), 3 миллиард 361 миллион сўм қарздорлик ва зарарларни қоплаш, 604 миллион сўмдан ортиқ алимент тўловлари ундирилиши таъминланди.

Инсон ҳуқуқларини бузган 118 нафар масъул шахс интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилди.

Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга 954 маротаба мониторинг ташрифи амалга оширилди (2024 йилда 902 та). 11 мингдан ортиқ маҳкум ва маҳбуслар билан жамоавий, 5 487 нафар шахс билан холи тарзда суҳбатлар ўтказилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан киритилган тақдимномалар асосида бир қатор муассасаларда шарт-шароитлар яхшиланди, 8,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди, Тошкент вилоятининг Чиноз, Қибрай ва Юқори Чирчиқ туманларидаги вақтинча сақлаш ҳибсхоналари тугатилди.

Халқаро йўналишда Омбудсман Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг Осиё — Тинч океани форумига аъзо бўлди, Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили билан 2025-2026 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси" имзоланди, Дания Омбудсмани ҳамда Германиянинг Фридрих Эберт жамғармаси билан ҳамкорлик меморандумлари тузилди.

Ялпи мажлисда эътибор қаратилиши лозим бўлган айрим камчилик ва муаммолар ҳам кузатилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, 2025 йилда Омбудсманга келиб тушган мурожаатлар сони (26 372 та) 2024 йилдагига нисбатан 2 950 тага ёки 12,6 фоизга ортган.

2025 йилда Омбудсманга йўлланган мурожаатлар кесимига эътибор берилса, 32 фоизини иқтисодий ҳуқуқ йўналишидаги мурожаатлар ташкил этиши ва бу кўрсаткич 2024 йилдагига нисбатан 26 фоиз ошгани маълум бўлади. Ушбу йўналишдаги мурожаатларнинг аксарияти суд қарорларидан норозилик, хусусий мулк кафолатлари ҳамда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа масалаларга тааллуқли бўлган.

2025 йилда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик, оилада аёлнинг таҳқирланиши ҳамда шахсий ҳаётга ўзбошимчалик билан аралашиш масалалари бўйича 585 та мурожаат келиб тушган бўлиб, 2024 йилдагига (294 та) нисбатан 291 тага ёки 99 фоизга ошган. Бу кўрсаткич мазкур йўналишдаги муаммоларнинг долзарблиги сақланиб қолаётганини ҳамда профилактика ва ҳимоя механизмларини янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Шунингдек, Омбудсманнинг минтақавий вакилларига ушбу орган Девонидан ҳамда фуқаролардан тўғридан-тўғри 7 010 та мурожаат келиб тушган (2024 йилда 3 857 та). Бу қабул қилинган жами мурожаатларнинг 26,6 фоизини ташкил этган.

Муҳокамалар давомида қонунчиликда белгиланган таъсир чораларидан самарали фойдаланиш, мурожаатларни энг кўп келиб тушган ҳудудлар кесимида ўрганиш, минтақавий вакилларнинг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

Ушбу масалани кўриб чиқиш якуни бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида Ф. Ф. Эшматовани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайлаш масаласи кўриб чиқилди.

Сенатнинг тегишли қарорига асосан Эшматова Феруза Фарходовна Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайланди.

Юқори палатанинг 14-ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига асосан Умид Рустамович Шодиевни Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Араб Амирликларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси лавозимига тайинлаш масаласи кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ушбу масала Ўзбекистоннинг Бирлашган Араб Амирликлари билан ўзаро ишончга асосланган муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион ва туризм соҳаларида амалий ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Сенаторлар ушбу номзод ташқи сиёсат соҳасида чуқур билим ва амалий кўникмаларга ҳамда мамлакатимиз миллий манфаатларини халқаро майдонда муносиб ва самарали тарзда илгари суриш салоҳиятига эга эканини алоҳида таъкидлади.

Муҳокама натижаларига кўра Умид Рустамович Шодиев Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Араб Амирликларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси лавозимига тайинланди.

Сенатнинг 14-ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Сенатининг мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорига мувофиқ Акрам Шукуров судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига, шундан беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — судлов ҳайъати раиси этиб сайланди.

Шунингдек, Баходир Абдуллаев, Собиржон Эргашев, Бегзод Хайдаров, Нозимжон Жураев ўн йиллик муддатга ҳамда Акмал Муродов ва Одил Нормаҳматов судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайланди.

Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Дилшод Ражабов, Камолиддин Толлибаев, Анвар Элмуродов, Элбекжон Тургунбоев Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилди.

Парламент юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш масаласини ҳам кўриб чиқди ва Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисда жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 17 та масала, шу жумладан, 11 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.**

# ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТИ — УСТУВОР ВАЗИФА

*Кеча Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди. Кун тартибидаги масалалар сенаторлар ва мутахассисларнинг қизғин мунозараларига сабаб бўлди. Хусусан, тўлов тизимларини тартибга солиш ҳамда суғурта бозорида амалга оширилиши лозим бўлган ўзгаришлар борасида сенаторлар ўз мулоҳазаларини билдирди.*

## Муносабат

### Реновация — янги имкониятлар демак

**Эркин ГАДОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси:**



— "Шаҳарсозлик реновацияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни аҳолини қулай ва арзон уй-жой билан таъминлаш ҳамда уларга коммунал хизматлар сифатини яхшилаш борасидаги масалалар ечимига қаратилган.

"Шаҳарсозлик реновацияси" деганда ҳудудни меъморий, ижтимоий, иқтисодий ва экологик жиҳатдан яхшилаш, ушбу ҳудудда жойлашган бино ва иншоотларни яшаш учун яроқли, қулай ҳамда энерготежамкор ҳолатга келтириш, жумладан, улардан самарали фойдаланишга ҳамда ер участкаларини қайта режалаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Бугунги кунда юртимизда 42 мингдан ортиқ кўп квартирали уйларнинг 31 мингга яқини 1991 йилгача қурилган. Уларнинг реновацияси бўйича ягона қонунчилик мавжуд эмаслиги айрим муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши натижасида маънан эскирган, сейсмик заиф уй-жойларнинг босқичма-босқич реновацияси билан шуғулланишнинг ҳуқуқий асоси яратилиб, келгусида янги уй-жойларни кўпроқ реновация ҳисобига қуриш имкони пайдо бўлади. Бунда республикадаги 2-3 қаватли қарийб 255 минг хонадонли 17 мингта уй ўрнига, ижтимоий объектлар ва яшил майдонларга эга замонавий 7 — 9 қаватли жами 900 минг (3,5 марта кўп) хонадонли уйлар қуриш мумкин. Қолаверса, ҳозирги қурилиш тенденциясидан қарийб 20 минг гектар ерни тежаш ва 4,5 млн. аҳолини уй-жой билан таъминлаш имконияти вужудга келади. Бундан ташқари, реновация лойиҳасида давлат, инвестор ва мулкдорларнинг улушдор сифатида иштирок этиш механизми жорий қилинмоқда. Бу жараёнда давлат тасарруфидаги мол-мулк ёки ер участкасининг баҳоланган қиймати миқдорида реновация жамғармаси орқали лойиҳага улушдор сифатида кириш механизми йўлга қўйилади.

Реновацияни қўллаб-қувватлаш республика ва ҳудудий жамғармалари орқали чекка ҳудудлардаги эскирган уй-жойларни реновация қилиш механизми яратилади ҳамда реновация лойиҳасининг амалга оширилиши соддалаштирилиб, ташаббускор томонидан мулкдорларга компенсация бериш шакллари ва солиқ имтиёзлари белгиланади.

Реновация натижасида аҳоли эскирган ва авария ҳолатидаги уй-жойлар ўрнига замонавий, энерготежамкор уйларга эга бўлиб, шаҳар муҳити янада яхшиланади, аҳоли зич манзилларда бир ҳудуд доирасида кўпроқ хонадон билан таъминланиш имкони яратилади. Мисол учун, 2-3 қаватли 17 минг уй ўрнига 7 — 9 қаватли янги уйлар қуриш орқали қамров 3 баробаргача оширилади.

Ихтиёрийлик, хусусий мулк дахлсизлиги, очиқлик-шаффофлик тамойиллари жорий этилиб, аҳолининг розилигисиз бузиш-қуриш ишлари амалга оширилмайди. Шунингдек, ҳудуднинг ўзидан ёки бошқа жойдан уй-жой, пул берилади. Берилган уй майдони эскисидан кам бўлмайди ва вақтинча ижара харажатлари қопланиб, қўшимча 12 фоиз бир марталик товон тўланади.

Қонуннинг қабул қилиниши билан тадбиркорлар учун ҳам қатор имконият ва қулайликлар вужудга келади. Хусусан, лойиҳаларнинг босқичлари, келишув тартиби, давлат ҳамда жамоатчилик назорати белгилаб қўйилади, республика ва ҳудудий жамғармалар орқали улушдорлик, молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари жорий этилади.

Лойиҳа тасдиқлангандан сўнг ҳар бир мулкдор билан алоҳида уч томонлама нотариал келишув тузилади; 100 фоиз келишувсиз бузиш-қуриш бошланмайди.

Шаҳарсозлик реновацияси жараёни ҳудудни меъморий, ижтимоий, иқтисодий ва экологик жиҳатдан яхшилашга қаратилган.

### Рақобат муҳитини таъминлаш имконияти

**Абдусаид КЎЧИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси:**



— Охирги пайтларда рақамли муносабатларнинг ривожланиши банк карталаридан ўғирлик ва фирибгарлик ҳолатлари кўпайишига сабаб бўлаётган эди. Бундай салбий ҳолатларга барҳам бериш мақсадида тижорат банклари, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун антифрод ҳамда биометрик идентификация тизимлари ва бошқа ҳимоя механизмларини ташкил этиш зарурати туғилмоқда.

Шу боис "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун тўлов хизматлари бозорини тартибга солиш, молиявий хавф-хатарларни камайтириш ва тўлов хизматларидан фойдаланувчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишини камайтиришга эришиш мақсадида ишлаб чиқилди.

У билан Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонунларига операторлар ҳамда тўлов ташкилотлари фаолиятини тартибга солишга, антифрод тизими ва биометрик идентификация тизимларини жорий этишга, шунингдек, лицензиялаш жараёнларини соддалаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Қонунда тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотининг устав фонди (устав капитали)га қўйиладиган талаблар ҳам белгиланяпти. Хусусан, устав фонди (устав капитали)ни шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан, мажбурият юклатилган бошқа манбалардан, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинганлиги борасида шубҳа пайдо бўлган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги қатъий қилиб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, банклар томонидан тўлов тизими оператори фаолияти бошланганлиги ҳақида хабардор этиш ва банклар тўғрисидаги маълумотларни Тўлов тизимлари операторларининг реестридан чиқариш тартиби ҳам аниқлаштирилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши билан тўлов хизматлари бозорида кузатилаётган молиявий фирибгарликлар, мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги билан боғлиқ таваккалчиликларнинг олди олинишига ва тўлов хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқлари бузилишининг камайишига эришилади ҳамда рақобат муҳитини таъминлаш, лицензиялаш жараёнларини камайтириш ва банкларнинг тўлов хизматлари бозоридаги фаолиятини рағбатлантиришга кенг имкониятлар яратилади.

### Суғурта соҳасида қонунчилик бир хил бўлади

**Шавкат ШАРИПОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси:**



— Бугунги кунда суғурталовчи ва суғурта брокерлари фаолиятини тўлиқ назорат қилишнинг имконияти мавжуд эмаслиги кўплаб истеъмолчиларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, электрон тижорат соҳаси субъектларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада тартибга солишни кучайтириш, фуқаролар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида давлат томонидан самарали назоратни таъминлаш заруряти ҳам ортиб бормоқда.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ушбу йўналишдаги ислоҳотларнинг давом эттирилиши билан боғлиқ.

Қонуннинг асосий мақсади суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахс, суғурта хизматлари ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш учун ваколатли давлат органининг назорат вазифаларини кенгайтириш, суғурта ва банк сирига оид маълумотлардан фойдаланишига эришиш, суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари фаолиятини тартибга солиш, суғурталовчи фойдасининг чекланиши мумкин бўлган ҳолатларни қонунчиликка киритишдан иборат.

У билан мажбурий суғурта объекти бир вақтнинг ўзида бир хил турдаги бир нечта мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин эмаслиги, ваколатли давлат органи томонидан инсофсиз суғурта агентларининг реестри юритилиши белгиланяпти. Шунингдек, суғурталовчи ёки суғурта брокерининг раҳбарлари ва бош ҳисобчиларига ўз соҳасида қонунчилик ҳужжатларини билиш бўйича малака талабини белгилаш, ваколатли давлат органига суғурта ва банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тўплаш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш ҳуқуқини бериш бўйича ўзгартиришлар киритиляпти.

"Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган қўшимчага кўра, солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларидан ташқари уларнинг ходимлари ҳам қонунда белгиланган тартибда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурталаниши лозимлиги белгиланмоқда.

"Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган ўзгартириш билан қонунчиликда ҳаёти ва соғлиғи давлат томонидан мажбурий суғурталаниши белгиланган шахсларнинг бир вақтнинг ўзида бюджет маблағлари ҳисобидан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртага олиш шартномаси бўйича суғурталаниши тақиқланмоқда.

Ушбу қонун суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш орқали суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ва суғурта хизматлари истеъмолчилари учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади. Шунингдек, электрон тижорат соҳасини такомиллаштириш, электрон тижорат операторлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси ҳам самарали йўлга қўйилади.

**«Халқ сўзи».**

**Сўнгги тўққиз йилда юртимиздаги 1,5 мингдан зиёд маҳаллаларда 1 774 та замонавий спорт майдончаси барпо этилди.**

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШДА САМАРАЛИ МАЙДОН



1 Франция Сенати аъзоси Валери Бойе, ўз навбатида, икки томонлама ҳамкорликнинг юқори даражасини урғулаб, унинг мамлакати Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратишини ва форумни парламентлараро мулоқотни кенгайтириш учун самарали майдон сифатида кўришини таъкидлади.

Иштирокчилар "Ўзбекистон — Франция" биринчи парламентлараро форуми сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда фикр алмашиш ва келишилган ёндашувларни илгари суриш учун муҳим платформага айланганини таъкидлашди.

Форум доирасида сиёсий мулоқот, иқтисодий шериклик ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалаларига бағишланган учта тематик сессия бўлиб ўтди.

Биринчи сессияда парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, жумладан, парламент дипломатиясини ривожлантириш ва "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" форматидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Иккинчи сессия инвестициявий ва савдо ҳамкорлигини кенгайтириш масалаларига бағишланди. Икки томонлама товар айирбошлаш сезиларли даражада ўсиб, 2025 йилда 1,4 млрд. долларга етгани, шунингдек, Ўзбекистонда Франциянинг етакчи компаниялари фаоллашгани қайд этилди.

Учинчи сессия давомида иштирокчилар маданий-гуманитар ҳамкорлик истиқболларини, жумладан, таълим дастурларини ривожлантириш ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Франция университетига асос солиш ташаббусини кўриб чиқди.

Тадбир якунида томонлар ҳамкорликни янада кенгайтириш, парламентлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш ва асосий йўналишлар бўйича қўшма ташаббусларни ишлаб чиқишга тайёр эканликларини билдирди.

**«Халқ сўзи».**

# МАМЛАКАТ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРУВЧИ СТРАТЕГИК СОҲА

1

**Шуҳрат ЁҚУБОВ, қўмита аъзоси:**

— Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари томонидан спортнинг моҳиятига берилган таъриф алоҳида эътиборга лойиқ. Яъни спорт нафақат мусобақа, балки соғлом турмуш тарзи, интизом, ватанпарварлик ва мамлакат нуфузини намоён этадиган катта куч экани таъкидланди.



Дарҳақиқат, спорт нафақат жисмоний саломатликни яхшилайди, балки инсонни интизомли ва Ватанга муҳаббатли қилиб тарбиялайди. Шунингдек, халқаро мусобақалардаги ғалабалар мамлакатнинг нуфузини оширади. Бу ёндашув спортни оммалаштириш ва ёшларни жисмоний фаолиятга жалб қилиш орқали юксак натижаларга эришишга ёрдам беради. Қолаверса, соҳадаги барча ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берувчи концептуал асос ҳисобланади.

Яқинда Президентимиз томонидан имзоланиб, кучга кирган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлашда биз, депутатлар оммавий спортни ривожлантириш, аҳолини, айниқса, ёшлар ва аёлларни спортга тарғиб қилиш, спорт инфратузилмасини қуриш ва бу жараёнга хусусий секторни кенг жалб этиш, спортчи ва мураббийларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришга хизмат қиладиган янги нормаларни киритишни илгари сурган эдик. Йиғилишда соҳани ривожлантиришга оид белгиланган устувор вазифалар ушбу қонуннинг амалда самарали қўлланилишига ҳамда бу орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялаш ва мамлакат нуфузини халқаро майдонда юксалтиришга хизмат қилади.

**Сайёра ИМОМОВА, қўмита аъзоси:**

— Спорт соҳасига илм-фан ва инновацияларни кенг жорий этиш муҳим масалалардан саналади. Сунъий интеллект асосида спортчилар ва мураббийлар фаолиятини таҳлил қилиш, машғулот жараёнларини илмий асосда ташкил этиш каби ташаббуслар соҳанинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишини таъминлайди.



Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир соҳага илм билан ёндашиш зарурлиги таъкидланганини каби спортда ҳам буни қўллаш, натижаларни рағбатлантиришнинг аниқ механизмлари таклиф этилгани алоҳида эътиборга молик. Хусусан, олимларнинг спортга оид илмий ишлари натижа бериб, спортчиларнинг ютуқлари ва халқаро мусобақалардаги медаллари кўпайса, бундай олимлар 100 миллион сўмдан мукофотланиши айтилди.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илгари сурилган ислоҳотлар ҳар бир фуқаронинг кундалик ҳаётига дахлдор бўлиб, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш орқали жамият тараққиётига мустаҳкам замин яратади.

**Дилмурод АРТИҚОВ, қўмита аъзоси:**

— Таъкидлаш лозимки, спорт инфратузилмаси, замонавий спорт объектлари ва мусобақалар уюштириш учун молиявий ресурслар талаб этилади. Бу борада хусусий секторнинг инвестиция ва ҳомийлиги спорт соҳасини ривожлантиришда ҳал қилувчи омилга айланади.



Шу боис мамлакатимиздаги тадбиркорлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Улар орасида спортга қизиқиш билдириб, ҳомийлик қилишга тайёр шахслар йилдан-йилга кўпаймоқда. Давлат ва тадбиркорлар ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилса, спорт инфратузилмаси янада ривожланади, ёшлар учун замонавий объектлар барпо этилади.

Юртимизда спортга ҳомийлик қилувчи тадбиркорлар учун қатор қулайликлар яратилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббусга асосан спорт тадбирлари вақтида хизматлар, кўнгилочар тадбирлар ва транспортни мувофиқлаштириш билан бирга рақиб жамоа мухлислари учун арзон тур пакетлари таклиф этилса, клублар даромадини 2-3 баробар ошириш, мухлислар учун дам олишни мазмунли қилиш ва тадбиркорлар учун қўшимча даромад имконияти яратилади.

Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланишни таъминлашда спорт инфратузилмасининг сифатли ривожланиши муҳим. Давлат-хусусий шериклик орқали янги спорт иншоотлари қуриш, мавжудларини модернизация қилиш ва йўлдош хизматларни такомиллаштириш орқали мамлакатимизда спорт муҳити янада ривожланади, ёшлар ва аҳоли учун қулайлик, хавфсизлик таъминланади.

**Мадина БАРАТОВА, қўмита аъзоси:**



— Йиғилишда эришилган ютуқлар билан чекланиб қолиш мумкин эмаслиги, соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлиги таъкидланди. Хусусан, мавжуд инфратузилма ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани, айрим ҳудудларда спорт мактаблари ва федерациялар фаолияти самарадорлиги паст экани танқид қилинди. Бу ҳолат, аввало, бошқарув ва ташкил этиш масалаларига янгича ёндашувни талаб қилади. Масалан, ихтисослаштирилган спорт мактаблари фаолиятини натижага боғлаш, мураббийлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш ҳамда уларнинг масъулиятини ошириш каби чора-тадбирлар жорий этилаётгани айни муддао бўлди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, оммавий спортни ривожлантириш борасида "маҳалла — мактаб — спорт муассасаси — федерация" занжири асосида янги тизим жорий этилаётгани тизимли ёндашувнинг ёрқин намунасидир. Бу орқали болаларни кичик ёшдан спортга жалб қилиш, иқтидорлиларни саралаб олиш ва уларни юқори даражада тайёрлаш имконияти кенгаяди.

Шу билан бирга, оммавий спорт натижадорлигини фақат қамров билан эмас, балки аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари орқали баҳолаш тизими жорий этилаётгани муҳим янгилик. Бу эса спортни формал эмас, балки ҳақиқий ижтимоий аҳамиятга эга механизмга айлантиради.

**«Халқ сўзи».**

Танлов

# «АҚЧАКЎЛ ИЛҲОМЛАРИ» – ҲАҚИҚИЙ ИЖОД БАЙРАМИ

*Элликқалъа туманида 7-8 апрель кунлари бўлиб ўтган "Ақчакўл илҳомлари" республика ижодий танлови юртимиз маданий ҳаётидаги муҳим воқелик сифатида эсда қолди. Танловда Тошкент шаҳри, барча вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг турли чеккаларидан келган бир гуруҳ ёш иқтидор эгалари қатнашди. Улар Ватанга муҳаббат, юртимиз табиати, бой тарихи ҳамда миллий қадриятларимизни шеърий, насрий ва тасвирий санъат орқали бадиий ифода этди.*

Дастлабки кун танловнинг очилиш маросими билан бошланиб, таниқли шоир ва ёзувчилар иштирокида учрашувлар, адабий мулоқотлар ўтказилди. Элликқалъа туманидаги санъат саройида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов бюсти тантанали очилди. Музей ва маданий масканларга ташрифлар ҳам ёш ижодкорлар учун мароқли кечди.

Иккинчи кун эса танловнинг энг ҳаяжонли палласи ғолибларни аниқлаш ва тақдирлаш маросими билан ёдда қолди. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, "Ақчакўл илҳомлари" республика ижодий танловида фарғоналик Давлатжон Каримов "Энг яхши шеърий асар", навоийлик адиб Умид Худойқулов "Энг яхши насрий асар", бухоролик Юнус Фармонов "Энг яхши тасвирий санъат асари" йўналишларида диплом билан тақдирланди.

Маросимда сўзга чиққанлар ёшлар ижодига юқори баҳо бериб, келгусида янада юксак марраларни забт этишига ишонч билдирди.

Иштирокчиларга диплом, статуэтка, эсдалик совғалари, китоблар жамламаси топширилди. Тадбир давомида куй-қўшиқ ва рақслар, бадиий чиқишлар маросимга байрамона кайфият бағишлади. Ғолиблар ва иштирокчиларнинг чеҳрасидаги қувонч ҳамда ифтихор туйғулари эса "Ақчакўл илҳомлари"нинг ҳақиқий ижод байрамига айланганини яна бир бор намоён қилди.




Шу тариқа икки кун давом этган мазкур танлов ёшлар учун катта ижодий мактаб, тажриба ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилди. "Ақчакўл илҳомлари" нафақат янги номларни кашф этди, балки юртимизда адабиёт ва санъатга юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодасига айланди, десак, айни ҳақиқат.

**Ғайрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»).**

# Юқумли касалликларнинг юртимизга кириб келиш хавфи борми?

*Жаҳон ҳайвонлар соғлиги ташкилоти (ЖҲСТ)нинг маълумотига кўра, кейинги бир ярим йил ичида дунёнинг ўнлаб давлатларида куйдирги, майда шохли моллар ўлати, нодуляр дерматит, қутуриш, оқсил, чўчқалар ўлати, қўйлар чечаги, патогенли парранда гриппи ва бошқа ўта хавфли касалликлар аниқланган. Ўзбекистон билан чорвачилик йўналишида савдо алоқалари ўрнатган Афғонистон, Хитой, Озарбайжон, Ҳиндистон, Туркия, Германия, Венгрия, Словакия, Мўғулистон сингари мамлакатларда ҳам эпизоотик ҳолат барқарор эмас.*

Долзарб мавзу

Ана шундай бир пайтда Россия ва ён қўшнимиз Қозоғистоннинг айрим жойларида чорва моллари касалликлар оқибатида нобуд бўлаётгани ҳақида хабарлар тарқалмоқда, офатга қарши кескин чоралар кўриляпти ҳам.

Хўш, бундан юртимиз аҳолисининг ташвишга тушишига асос борми? Бу яқин ва олис давлатларда кузатилаётган касалликлар юртимизга ҳам кириб келиши мумкинми?

Шу каби саволлар билан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси масъулларига мурожаат қилдик.

— Хавотирга ўрин йўқ, республикамиз бўйича ҳайвонларда учрайдиган турли хавфли касалликларга қарши эмлаш ишларига 5 минг нафардан зиёд мутахассислар жалб этилган, — дейди қўмитанинг Ҳайвонлар саломатлигини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Турсагатов. — Эмламалар захираси ва керакли асбоб-ускуналар етарли. Ветеринар врачлар ўзлари хизмат кўрсатаётган маҳалла ва овулдаги ҳар бир хонадонда бўлиб, чорва моллари ва уй ҳайвонларини яна бир карра кўздан кечириб чиқмоқда. Молбозорлар, кушхоналар ва йирик чорвачилик фермалари, яйловлардаги ҳолатлар ҳам ветврачлар назорати остида. Профилактик эмлаш тадбирларини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида юртимиз бўйича жами 1 200 та ишчи гуруҳ (отряд) ташкил этилган ва улар маҳалла фаоллари, оқсоқоллар билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Иссиқ жоннинг иситмаси бўлиши тайин, айниқса, кўклам маҳали. Мутахассисларимиз ана шу жиҳатни эътибордан қочирмасдан касалликнинг олдини олиш ва тезкор даволаш пайидан бўлишаётир.

Чегара ҳудудларидаги ҳолат ҳам қатъий назоратимизда. Ҳукуматимиз топшириғига кўра, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Афғонистон билан жами 6 221 км. узунликдаги ветеринария-санитария ҳимоя зоналари ташкил этилган. Бу, ўз навбатида, 82 та тумандаги 8 млн. бошдан ортиқ чорва моллари ва 14 млн. бошга яқин паррандалар доимий ветеринария назоратидан ўтказилмоқда, деганидир. Божхона хизмати ходимлари билан бақамти ишлаётган ветврачларимиз шу йилнинг ўзидаёқ чегара ўтказиш пунктлари орқали юртимизга кириб келган 250 мингдан ортиқ автотранспорт воситаларини дизенфекция қилишди. Бу жараён айни чоғда ҳам узлуксиз давом этмоқда. Мақсад — кўзга кўринмас хавфни юртимизга яқин йўлатмаслик.

Яна рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг январь — март ойларида чорва молларининг 1,8 млн. боши куйдиргига, 700 минг боши оқсилга, 100 минг бошдан ортиғи нодуляр дерматитга қарши эмлаб чиқилди. 132 минг бош ит ва мушукларда қутуриш касаллигига қарши профилактик эмлаш ҳамда чорва моллари сақланадиган бинoларда дезинфекция, дезинсекция ва дератизация тадбирлари амалга оширилди. Муҳими, бирорта ҳайвон назоратдан четда қолмаслиги учун барча чоралар кўрилмоқда ҳамда бу саъй-ҳаракатлар аҳоли ва чорвадорлар ихтиёридаги жониворларнинг касаллик ташувчига айланиб қолмасдан соғлом бўлиши, кўпайиши ва насли янада яхшиланишига туртки бермоқда.

Бугун ўз касбини пухта эгаллаган ветврачлар кўп, уларнинг беминнат хизматидан аҳоли мамнун. Аммо баъзан нўноқ ва дангаса, малакаси етарли бўлмаган ветеринария ходимлари ҳам учраб туради. Уларнинг айби билан одамлар моли қандай хасталикка чалинганини билмай ортиқча, эҳтиросга берилади. Оқибатда интернетда турли шов-шувли чиқишлар пайдо бўлмоқда. Биз бундай мурожаатларни ҳам тезкорлик билан ўрганган ҳолда муаммони бартараф этишга интиляпмиз.

Бундан ташқари, тизимда малака ошириш ҳам йўлга қўйилган. Ўтган йили минг нафарга яқин ветврачлар қўмита ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачилик соҳасида педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш институтида билим ҳамда кўникмаларини оширди. Жорий йилда бу рақам қарийб икки карра ошади. Бу ҳам давр талабидир. Қолаверса, ҳайвонларда учрайдиган касалликларни даволашнинг янги усуллари яратилмоқда, дори-дармонлар, замонавий ташхислаш борасида ҳам ўзгаришлар бекиёс. Уларни билмаган ветврач, албатта, муаммога дуч келади, иш жараёнида қийналади. Шу боис малака ошириш, ўқиш-ўрганиш жуда керак.

Юртимизда эпизоотик барқарорликни янада ишончли таъминлаш мақсадида соҳанинг юздан ортиқ олимлари, профессор-ўқитувчилар амалий ёрдам кўрсатиш учун ҳудудларга масъул қилинди. Улар айни чоғда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг юқори босқичида сабоқ олаётган тўққиз юз нафардан зиёд шогирдлари билан ўқув-амалиёт режасига кўра эпизоотик тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

Мутахассисларимиз юқумли касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, эпизоотик осойишталикни таъминлаш учун туну кун астойдил меҳнат қилмоқда. Демак, ваҳимага бориш ва ортиқча хавотирланишга асло ўрин йўқ.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.**

ЎзЛиДеП фракцияси:

# САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТЛАР ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

*Давлатимиз раҳбарининг парламент палаталарида сўзлаган нутқлари, Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифалар бугунги кунда сиёсий партиялар фракциялари фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни вақтда ЎзЛиДеП фракцияси фаолияти, депутатларимизнинг ишчан саъй-ҳаракатлари ҳамда қонун ижодкорлиги учун ўзига хос дастур бўлиб хизмат қиляпти. Президентимиз томонидан илгари сурилган ғоялар ва ташаббуслар фракциямиз фаолиятини янада фаоллаштириб, янги мақсадларга кенг йўл очмоқда.*

## Таҳлил

Фракциямиз 2026 йилнинг биринчи чорагида ҳам ўз фаолиятини ана шундай ёндашув асосида изчил олиб борди. Ва бунда қонун ижодкорлиги алоҳида устувор аҳамият касб этиб, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва инвестиция муҳитини янада яхшилашга хизмат қилувчи ҳужжатлар ишлаб чиқишда белгиланган норма ва қоидаларга қатъий риоя этилмоқда.

Ўтган даврда фракциямиз ташаббуси билан 1 та мустақил ва 2 та ҳамкорликдаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатасига киритилди. Хусусан, бир гуруҳ депутатларимиз томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилиб, қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун жамиятда ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ахборот маконида одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этилишини кучайтириш, фуқаролар шаъни ва қадр-қиммати ҳимоясига хизмат қилади.

Шунингдек, ҳужжатлар ишлаб чиқишда тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш, фаолият юритишлари учун қулай шароит яратиш ва ортиқча тўсиқларни бартараф қилишга алоҳида аҳамият берилди. Қолаверса, иқтисодий ва маъмурий судларга мурожаат этиш тартибини соддалаштириш, суғурта бозорига ишончни ошириш ва тадбиркорлик субъектлари учун тартибга солиш юкини камайтиришга қаратилган муҳим қонунлар қабул қилинди.



Буларнинг барчаси, аввало, инсон қадрини юксалтиришга йўналтирилган, одамларимизнинг мушкулини осонлаштириб, жамиятда адолатни таъминламоқда. Бу эса давлатимиз раҳбарининг қонун қабул қилиндими, у, албатта, ишлаши керак ва одамлар ҳаётида сезиларли ўзгариш бўлиши лозим, деган фикрлари ҳаётда ўз ифодасини топаётганидан далолат беради.

Фракция фаолиятида парламент назорати ҳам муҳим ўрин тутди. Долзарб масалалар юзасидан мансабдор шахсларнинг ахборотларини эшитиш, улар фаолияти устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш бўйича қатор ишлар бажарилди. Жумладан, фракциямиз ташаббуси билан бўлиб ўтган "Ҳукумат соати"да мамлакатимизда инвестиция фаолиятини ривожлантириш ҳолати, инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда ҳудудларда саноат лойиҳаларининг ижроси муҳокама қилинди.

Сайловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида жойларда ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари, сайлов округларидаги ўрганишлар давомида аниқланган муаммоларни бартараф қилиш мақсадида давлат бошқаруви органлари раҳбарларига 10 та депутат сўрови юборилди. Натижада уларни тезкор ҳал этиш, масъул идоралар фаолиятига аниқлик киритиш ҳамда ижро интизомини кучайтиришга эришилди.

Президентимиз раислигида ўтган йиғилишларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Бухоро вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида кенг кўламли ўрганишлар амалга оширилди. Ушбу учрашувларда 1 400 дан ортиқ иштирокчилар қамраб олинди. Ўрганишлар давомида саноат корхоналари, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш объектлари, хизмат кўрсатиш соҳаси, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, иқтисодий ва саноат зоналари фаолияти билан танишилди.

Очиқ мулоқотлар жараёнида тадбиркор, фермер, хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари, ёшлар ҳамда мутасадди раҳбарлар томонидан қатор таклифлар илгари сурилди. Инфратузилма, молиявий ресурслар, экспорт жараёнларидаги тўсиқлар, кадрлар тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу жараёнларга партиянинг ҳудудий ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлари ҳам фаол жалб этилди. Улар билан ҳамкорликда жойлардаги мавжуд ҳолат ҳар томонлама ўрганилиб, электоратни ўйлантираётган муаммолар аниқланди ва ечим топиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Фракциямиз фаолиятида партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижроси ҳам муҳим ўрин эгаллади. Камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш каби устувор йўналишларда аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, "солиқ — маҳалла тараққиёти гарови" тамойили асосида минглаб маҳаллаларда тарғибот ишлари олиб борилди. Фермер ва деҳқонлар билан юзлаб учрашувлар уюштирилиб, муаммолари ўрганилди, амалий ёрдам берилди. "Ташаббусли бюджет" доирасида эса аҳоли манфаатларига дахлдор 60 та лойиҳа танлаб олиниб, амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Президентимизнинг февраль ойида ёшлар билан учрашувида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, ахборот технологиялари, сунъий интеллект, рақамли иқтисодиёт йўналишларидаги лойиҳаларини молиялаштириш ва менторлик асосида ривожлантириш эътибор марказимизда турибди.

ЎзЛиДеПнинг "Халқ билан бирга" умуммиллий дастури ҳам Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатни янада кучайтириш, айниқса, кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш ва инсон қадрини улуғлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу дастур давомида "маҳалла еттилиги" ҳамда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари билан ҳамкорликда эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими яратилади.

Шу ўринда, фракциямиз аъзолари халқаро парламент платформаларида фаол иштирок этаётганини ҳам алоҳида айтиш жоиз. Хусусан, 3 апрель куни Бухоро шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон ва Қозоғистон Парламентлараро ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида фракциямиз аъзолари икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш юзасидан ўз таклиф ва ташаббусларини илгари сурди.

Албатта, эришилган натижалар билан бирга, олдимизда турган муҳим вазифалар ҳам бор. Келгусида ҳам юртимиз тараққиёти йўлида фаол ишлаб, халқимиз ишончини оқлашга, аввало, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга, сайловчилар билан мулоқотни янада кучайтиришга, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган долзарб вазифалар ижроси устидан доимий парламент назоратини олиб боришга алоҳида эътибор қаратамиз.

**Актам ҲАИТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.**

**«Hamroh» тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида ижобий кредит тарихига эга хотин-қизларга 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади.**

# МИЛЛАТ ИФТИХОРИ ВА МАЪНАВИЙ ҚУДРАТ МАНБАИ




**Табаррук замин**

*Тошкент яқинида жойлашган қадимги Шоҳрухия шаҳридан темурийлар даврига мансуб кўплаб тарихий аҳамиятга эга топилмалар кашф этилмоқда. Қазишмалар Буюк Ипак йўли тарихида янги саҳифалар очиб, ҳудуднинг ЮНЕСКО Жаҳон маданий мероси рўйхатига кириши учун замин яратмоқда.*

*Бир замонлар Чингизхон босқинидан сўнг култепага айланган Фанокат шаҳри Амир Темурнинг бунёдкорлик салоҳияти ва давлат сиёсатининг натижаси сифатида қайта тикланган. Соҳибқироннинг машҳур сўзлари бунга ойдинлик киритади: "Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим..." Ҳар бир зафарли юриш ва муҳим воқеликни муҳташам обидалар қуриш орқали нишонлаш Соҳибқирон салтанатида одат тусига айланган.*

## БУЮК ТЕМУРИЙЛАР БУНЁДКОРЛИГИ КЎЗГУСИ

Ҳиндистон, Шероз, Исфаҳон ва Дамашқнинг машҳур уста-ҳунармандлари мамлакатда ҳашамдор иморат ва иншоотлар қургани тарихий манбалардан маълум. Амир Темур забт этган давлатлардаги Бағдод, Дарбанд ва Байлақон каби шаҳарларни қайта тиклаган. Ҳозирги кунда Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани ҳудудига тўғри келувчи Фанокат шаҳри ҳам ана шулар жумласидан ҳисобланади.

Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги бу қадимий шаҳар қарийб бир ярим аср давомида вайрон ҳолда қолган ва унинг номи ҳам унутила бошлаган эди. Бироқ Соҳибқироннинг бунёдкорлик салоҳияти билан шаҳарнинг қадди ва қадри қайта тикланди. XV асрда яшаган тарихчи Фасиҳ Аҳмад Хавофийнинг "Мужмали Фасиҳий" асарида Чингизхон томонидан вайрон қилинган Фанокат шаҳри Амир Темур фармони билан қайта тикланиб, тўртинчи ўғли шарафига "Шоҳрухия" деб номлангани қайд этилган. Шаҳар қурилиши ишлари Соҳибқироннинг набираси Мирзо Улуғбек томонидан якунига етказилган. Бунга Амир Темурнинг бунёдкорлик сиёсатидан келиб чиқиб оддий қурилишдек қараш мумкин. Чунки темурийлар салтанатида Шоҳрухия каби қайта барпо этилган шаҳарлар оз эмас. Аммо бу шаҳарнинг тикланиши чуқур рамзий маъно ва стратегик мақсадни ифодалайди. У Соҳибқироннинг нафақат янги ерларни забт этувчи саркардалигини, балки унинг ўтмишда вайрон қилинган шаҳарларга янги ҳаёт олиб кирувчи яратувчанлик сиёсатини кўрсатади.

Фанокат қадимдан Буюк Ипак йўлидаги муҳим савдо чорраҳаларидан бири бўлган. Унинг қайта тикланиши минтақада савдо-сотиқни жонлантириш, янги карвон йўлларини очиш ва темурийлар салтанатининг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилган, ҳунармандчилик, тижорат ва маданият марказига айланган.

Асрлар ўтса ҳам, Шоҳрухия ёдгорлиги тадқиқотчилар ва тарихий қизиқувчиларнинг диққатини жалб қилмоқда. Дастлабки археологик маълумотлар 1876 йилда Д. Зацепин ва Н. Пантусов томонидан берилган. 1907 йилда И. Беляев, 1913 йилда А. Кастанье Шоҳрухия тўғрисида маълумотлар тўплаган. Ёдгорлик 1925 йилда А. Семёнов томонидан тузилган Марказий Осиёнинг археологик ёдгорликлари рўйхатига киритилган. XX асрнинг ўрталарида Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институти ҳамда Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ходимларидан иборат гуруҳ археолог Ю. Буряков раҳбарлигида Шоҳрухияда давомли археологик тадқиқот ишларини олиб борган. 1970 — 1990 йилларда воҳанинг антик ва ўрта асрлар шаҳарсозлиги масалалари тадқиқ қилинган.

— Шоҳрухияда қазишмалар ҳозирда ҳам давом этмоқда, — дейди Ижтимоий ва сиёсий фанлар институти доценти Омон Мамиров. — Қазишмаларнинг мақсади темурийлар даври маданий қатламлари ва маҳобатли қурилиш қолдиқларини аниқлаш. Бу ҳудуд танланиши ҳам Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолияти билан боғлиқ. Бугунги кунгача Шоҳрухияда жами ҳисобда 21 та қазишма ишлари олиб борилган. Ўтган йили Миллий археология маркази ва Туркиянинг Йилдирим Боязид университети олимлари



билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб борилди. Сабаби айни ҳудуд ёзма манбаларда Соҳибқироннинг бунёдкорлик фаолияти билан боғлиқлиги эслатиб ўтилади. Ҳисор ҳудуди Амир Темур фармонига кўра мудофаа девори билан қуршалган. Ёдгорликни узоқ йиллар тадқиқ қилган академик Ю. Буряковнинг таъкидлашича, унинг барча ҳудудларида илк ўрта аср маданий қатламлари аниқланган. Кул, кўмир, оҳак ҳамда органик ва қурилиш қолдиқлари аралашган тупроқ қатлами кузатилган. Қатлам таркибида босма нақшлар туширилган сирланган сопол идишлар ва ҳайвон суяклари қолдиқлари ҳам топилган. Кам ҳолларда оқ фонга оч сиёҳранг, кўк рангда ўсимлик мотивида (ислими) безаклар туширилган сирланган сопол қолдиқларининг борлиги аниқланган.

Буюк темурийлар даври кулолчилиги анъаналарида айни ушбу кўк рангли безаш услуби характерли хусусият ҳисобланади. Форсийзабон ёзма манбаларда кўк рангли бўёқ ишлаб чиқаришда асосий минерал ҳисобланган лазурит Эронга "ўзбеклар юрти"дан келтирилгани қайд этилган. Айнан темурийлар даври кулолчилик анъаналарида Хитой чиннисига менгзаб идиш ясаш урф бўлган. Бу давр кулолчилик анъаналарини тадқиқ қилган С. Ильясованинг фикрига кўра, ушбу безакларнинг барчаси нилуфар гули тасвирининг турли шаклларидир. Мазкур қазишмалар давомида ҳимоя девори бўлмасининг шарқий теграсига яқин жойда бутун қозон ҳам аниқланган. Бўлманинг шимолий теграсига яқин жойдаги катта ўра тагидан қорахонийлар даврига оид хом ғиштдан қурилган девор борлиги ҳам маълум бўлди. Катта эҳтимол билан бу бирор қурилма бўлиши ҳам мумкин. Бўлма ичида унинг топилма ва қурилмалар бўйича қазишма ишлари Нишонбой Қулбоев томонидан олиб борилган. Унинг шимоли-ғарбий бурчагида диаметри 40х40 см. бўлган ўчоқ топилган.

Қазишмалар жараёнида аниқланган меъморий қурилма ва қўлга киритилган топилмалар хусусиятига кўра, сўнгги ўрта асрлар даврига оид бўлиб, Шоҳрухия ҳудудида шаҳарсозлик ва тамаддун ривожланганини тасдиқлайди.

— Амир Темурнинг бошқарув фалсафаси давлатнинг куч-қудрати фақатгина ҳарбий ғалабалар билан эмас, балки шаҳарсозлик, ободончилик ва фаровонликни таъминлашда ўз ифодасини топади, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Оққўрғон тумани бўлинмаси раҳбари Ўғилой Ботирова. — Буюк темурийлар даврида вайрон қилинган ерларга ҳаёт бағишлаш, чўлу биёбонлар ўрнида боғ-роғлар яратиш ва вайронаю харобазорларга янги ҳаёт нашидасини олиб кириш Соҳибқирон сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан биридир. Ва шу боис ҳам жаҳон тамаддунида салтанат нуфузи ҳамиша баланд. Зотан, Амир Темур ўз тузукларида нақл этганидек, кимки мамлакат қудратига шубҳа қилса, ўша даврда қурдирилган иморатларга қарасин!

**Отабек ИСРОИЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## ТАБИАТ ВА ИЛМ-ФАН УЙҒУНЛИГИ МАҲСУЛИ

*Амир Темур номи нафақат жаҳонгир саркарда, балки юксак тафаккурли давлат арбоби ва бунёдкор сифатида ҳам тарихда абадий муҳрланган.*

**Мерос**




Соҳибқироннинг орзуси ва иродаси билан гуллабяшнаган Самарқанд бугун ҳам ўтмиш ва келажакни боғлаб турувчи муқаддас маскан сифатида барчани ҳайратга солади. Бу шаҳар унинг даврида нафақат сиёсий марказ, балки илм-фан, маънавият ва маданият ўчоғига айланган.

Буюк аждодимизга дахлдор ҳар бир қадимий иншоот, мақбара ва боғ Соҳибқироннинг юксак диди ҳамда бунёдкорлик салоҳиятидан дарак беради. Ана шундай муқаддас масканлардан бири — Амир Темур мақбараси.

Ушбу мақбара асрлар давомида нафақат зиёратгоҳ, балки сирли ва ҳайратланарли меъморий иншоот сифатида эътиборни ўзига тортиб келмоқда. Унинг ташқи кўриниши қанчалик улуғвор бўлса, ички тузилиши ҳам шунчалик мукаммал.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мақбара архитектураси оддий кўринса-да, унда мураккаб меъморий ечимлардан фойдаланилган. Хусусан, бинонинг мустаҳкамлиги табиат қонунлари билан уйғундир. Иншоот пойдевори тахминан 5 метр чуқурликда бўлиб, унинг остига 2 метр қалинликда қум қатлами ётқизилган.

Энг қизиқ жиҳати шундаки, ушбу қум қатламининг тагида табиий сув мавжуд. Бу сув доимий равишда ер остида ҳаракатда бўлиб, намлик мувозанатини таъминлайди. Яъни мақбара остида маълум маънода сув йиғилиб туради, аммо бу бинога зарар етказиш ўрнига, аксинча, унинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қадимий меъморлар бу каби табиий омилларни чуқур англаб, иншоотни узоқ асрлар давомида сақлаб туришини яхши билган. Бу эса Буюк темурийлар даври муҳандислик тафаккури нақадар юксак бўлганини кўрсатади.

Бугун Самарқанд кўчаларида юрар экансиз, сиз фақат тарихий ёдгорликларни эмас, балки аждодларимизнинг ақл-заковати ва маънавий бойлигини ҳис этасиз. Амир Темур мақбараси эса бу мероснинг юраги каби — ташқи жиҳатдан улуғвор, ички жиҳатдан эса мустаҳкам ва чуқур маънога эга.

Иншоотнинг асрлар давомида юксак салобат касб этиб туриши табиат ва илм-фан уйғунлиги маҳсулидир. Шу боис мазкур бунёдкорлик обидаси барқарорлик ва абадийлик тимсоли ўлароқ қад кўтариб турибди. Шундай экан, Амир Темур мероси — бу фақат тарих эмас, балки бугунги ва келажак авлод учун ҳам улкан сабоқ.

**Холбек КУБАЕВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази Самарқанд вилояти бўлими раҳбари.**

**Тадқиқ**

## САЛТАНАТНИНГ ХОС ТУЗУГИ

*Соҳибқирон Амир Темур тарих саҳифаларида буюк давлат арбоби, моҳир саркарда ва етук сиёсатдон сифатида абадий ном қолдирган. У нафақат қудратли салтанат барпо этди, балки уни мустаҳкам бошқаришнинг пухта асосларини ҳам яратди. Темурнинг энг муҳим хизматларидан бири марказлашган ва барқарор давлат тизимини шакллантирганидир. У ҳукмдор сифатида мамлакат бошқарувида аниқ тартиб-қоидалар жорий қилиб, ҳар бир амалдорнинг масъулиятини белгилаб берди. Бу эса салтанатда интизом ва бошқарув самарадорлигини таъминлади.*

Амир Темур ҳаёти ва фаолияти шартли равишда икки даврга бўлинади. Биринчи давр (1360 — 1386 йиллар)да у Мовароуннаҳр ҳудудида мустақил ва кучли марказлашган давлат барпо этиш йўлида кураш олиб борди. Иккинчи даври (1386 — 1405 йиллар) эса унинг машҳур уч йиллик, беш йиллик ва етти йиллик юришлари билан тарихда алоҳида ўрин эгаллайди.

Соҳибқирон ўзидан аввалги ҳукмдорлардан фарқли равишда давлат бошқарувида фақат бир ёки икки табақага эмас, балки жамиятнинг барча қатламларига таянди. У давлат қудрати фақат ҳарбий кучга эмас, балки аҳоли ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳамкорликка боғлиқ эканини чуқур англаган эди. Шу боис у уламолар, донишмандлар, ҳунармандлар, савдогарлар ва ҳарбийларни давлат ҳаётининг ажралмас қисми сифатида қадрлади. Бу эса мамлакатда ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилди.

Амир Темур барпо этган давлат бошқаруви тизими ўзига хос тартиб ва интизомга эга эди. Марказий бошқарув — девон бузругидан ташқари ҳар бир вилоятда "девон" деб аталган маҳаллий бошқарув органлари фаолият юритган. Улар солиқ йиғиш, тартиб-интизомни сақлаш, бозорлар, ҳаммомлар, йўллар ва суғориш тармоқларини назорат қилиш каби муҳим вазифаларни бажарган. Ҳар бир девонда кирим ва чиқим дафтарлари юритилиб, ҳисоб-китоблар туркий тилда қайд этилгани ҳам диққатга сазовор.

Улуғ ҳукмдорнинг қатъий сиёсатига кўра, давлат ишларида доимий тафтиш ва назорат амалга оширилган. Амалдорларнинг ўз вазифасини суиистеъмол қилиши, порахўрлик, маиший бузуқлик каби иллатлар оғир жиноят сифатида баҳоланиб, қаттиқ жазоланган. Бу эса давлат тизимида адолат ва тартибни мустаҳкамлаган. Соҳибқирон давлатида бор-йўғи етти вазир фаолият юритган бўлиб, улар мамлакат ва раият ишлари, ҳарбий тизим, молия ҳамда тобе ҳудудларни бошқариш каби соҳаларга масъул бўлган. Барча вазирлар девонбегига бўйсунган ҳолда иш юритган. Диққатга сазовор жиҳат шундаки, Амир Темур ўз фаолиятини назорат қилиш учун алоҳида икки назоратчини тайинлаган. Улардан бири ҳарбий ишлар, иккинчиси эса фуқаролар манфаатини кузатиб борган ва зарур ҳолларда ҳукмдорни огоҳлантириб турган.

Амир Темур ҳар қандай қарорни қабул қилишда шошилмаган. У давлат ишларининг "тўққиз улуши"ни кенгаш ва машварат билан, "бир улуши"ни эса куч билан ҳал этишни маъқул кўрган. Бу эса унинг донолиги ва узоқни кўра билиш қобилиятидан далолат беради. Соҳибқирон сиёсатининг яна бир муҳим жиҳати инсонпарварлик ва бағрикенглик эди. У турли халқ ва маданиятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиб, илм-фан аҳлини доимо эъзозлаган. Қайси юртни забт этмасин, ўша ернинг обрўли кишиларини ҳурмат билан қабул қилиб, уларга муносиб вазифа ва эҳтиром кўрсатган. Шунингдек, авлиёлар ва уламолар мақбараларига вақф мулклари ажратиб, уларни обод зиёратгоҳларга айлантирган. Бу эса жамиятда маънавий муҳитнинг юксалишига йўл очган.

**Тўлқин БЎРИЕВ,**
**Самарқанд давлат музей-қўриқхонасининг тарих бўлими мудири.**

## СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИ САҲНАДА

*11 — 13 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида Соҳибқирон бобомиз таваллудининг 690 йиллиги муносабати билан "Амир Темур сиймоси саҳнада" республика театрлари фестивали бўлиб ўтади.*

**Санъат**

Маданият вазирлиги маълумотига кўра, фестиваль 11 апрель куни соат 10:00 да Самарқанд шаҳрининг Бибихоним мадрасасидан Регистон майдонига қадар Амир Темур ва темурийлар даври либослари сиймосида тантанали юриш билан бошланиб, вилоят мусиқали драма, вилоят рус драма ва вилоят қўғирчоқ театрларида давом этади.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарда уч кун давомида ўтказиладиган ушбу фестивалда юртимиздаги қатор театрларнинг спектакллари намойиш қилинади. Хусусан, Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрининг "Оқсарой", Қўқон шаҳар мусиқали драма театрининг "Армонсиз ўтган умр", Каттақўрғон шаҳар драма театри ҳамда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрининг "Соҳибқирон", Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрининг "Адолат фасли", Қашқадарё вилояти қўғирчоқ театрининг "Темурбекнинг болалиги", Наманган вилояти мусиқали драма театрининг "Амир Темур ёхуд адолат қиличи" спектакллари томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

**Розия ЮНУСОВА,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси.**



## УЛУҒ ҲУКМДОРГА БЕШИК БЎЛГАН ҚИШЛОҚ

*Яккабоғ туманидаги "Хўжаилғор ота" зиёратгоҳида оғирлиги салкам 100 килограммни ташкил этадиган катта тош бор. Маҳаллий аҳоли уни "полвонтош" деб атайди.*

**Мозий сирлари**

Ривоятларга кўра, буюк саркарда бобокалонимиз Амир Темур 8 — 10 ёшида шу тошни кўтариб, жисмоний машқ қилар экан. Ҳозир бу тошни ердан узиб олиб, кўкрак баландлигигача кўтаришни унча-мунча киши эплай олмайди.

— Бунинг сабаби бу иш учун фақат кучнинг ўзи етарли эмас, — дейди шу қишлоқлик Нажмиддин Азизов. — Кўп нарса уни тўғри ушлашга ҳам боғлиқ. Қишлоғимиздан уч-тўрт киши тошни кўтарганини кўрганман. Бошқалар буни эплай олишмайди. Ҳозир мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан бу ерга келадиган зиёратчилар ҳам "полвонтош"га қизиқиб, уни кўтаришга бел боғлашади. Бироқ бу ишни уддалайдиганлари камдан-кам учрайди.

Хўжаилғор қишлоғида Амир Темур номи билан боғлиқ бундай қадимий ашёлар ва жойлар кўп. Улардан яна бири зиёратгоҳдан бироз шарқ томонда жойлашган эски қудуқ ҳисобланади. Ривоятларга кўра, Соҳибқироннинг дунёга келиши ва Мовароуннаҳрда мўғуллар ҳукмронлигига барҳам бериши мунажжимлар томонидан башорат қилинган экан. Шу боис Кеш яқинидаги қишлоқларда яшайдиган барча ҳомиладор оналар мўғуллар томонидан қиличдан ўтказила бошланади. Шунда Соҳибқироннинг волидаси Текина хотин Хўжаилғор қишлоғи четидаги қамишзорга яширинади ва Амир Темур шу ердаги қудуқ яқинида туғилади.

Кейинчалик бу жой япониялик археологлар томонидан қадимий хариталар асосида ахтариб топилган. Айни пайтда ушбу қудуқ ҳам тўлиқ сақланиб қолган.

— Қишлоғимизнинг тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақалади, — дейди Абдусамадхон Тўрахўжа ўғли. — Хусусан, қишлоқнинг номи Марказий Осиёга ислом динини ёйиш учун келган араб лашкарларидан бири — Хўжа Илғор ота билан боғлиқ. Бу ҳақда турли ривоятлар кўп. Улардан бирида айтилишича, 700-йиллар бошида Кеш беклиги (ҳозирги Шаҳрисабз шаҳри) атрофида ҳам араб жангчилари ва маҳаллий аҳоли ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтади. Жангда Қутайбанинг моҳир лашкарбошиларидан бири Хўжа Илғор оғир яраланган. Шунда Хўжа Илғор ота: "Мени туяга ортинглар ва у қаерда тўхтаса, ўша ерга дафн этинглар", дея васият қилган экан. У кишининг туяси шу қишлоққа келиб тўхтайди. Туянинг ортидан келган саҳобалар майитни тушириб, уни ювиш учун сув қидиради, аммо у топилмайди. Шундан сўнг улар Хўжа Илғор отанинг қиличини ерга санчади ва не ажабки, шу лаҳзада булоқ отилиб чиқади. Бу булоқ ҳозир ҳам бор. Аҳоли уни "Чиллабулоқ" деб атайди.

Абдусамадхон Тўрахўжа ўғлининг қўшимча қилишича, қадимда мана шу қабристон атрофида катта қўрғон бўлган. Унинг ҳудуди 14 гектарни ташкил этган. Ҳозир ҳам қўрғон деворларининг маълум қисмлари сақланиб турибди. Тепалик пастида ер ости йўли ҳам бор. Бироқ кириш жойлари кўмилиб кетган.

Хўжаилғор қишлоғи нафақат тилларда достон бўлган қадимий тарихи, балки баҳаво сўлим табиати, қолаверса, сайёҳлар келиши учун қулай — Қарши — Китоб автомагистрали бўйида жойлашгани билан ҳам диққатга сазовор. Бу жиҳатлар ҳеч шубҳа йўқки, келгусида қишлоқни сайёҳлик масканларидан бирига айлантириш имконини беради.

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Жорий йилдан бошлаб мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида «Маънавият қалқони» республика китобхонлик танлови ўтказилади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 23 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.20 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6